Qishloq hayoti

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 27-fevral, seshanba 22 (8885)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Режеп Таййип Эрдоғанни туғилган куни билан самимий қутлаб, унинг Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги қардошлик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган катта эътибори ва саъй-ҳаракатларини ҳамда қўшаётган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан 2017 йил октябрь ойида Туркия Республикасига амалга оширилган олий даражадаги ташриф доирасидаги самарали учрашув ва музокаралар кўп қиррали ва ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани ҳамда аниқ амалий мазмун бахш этгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Президент Режеп Таййип Эрдоған Президент Шавкат Мирзиёевга табрик ва эзгу тилаклар учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Президенти тимсолида Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида ҳақиқий биродар ва ҳамфикрга эга бўлганини алоҳида таъкидлади.

Мазкур тарихий ташриф якунлари бўйича эришилган аниқ келишув ва имзоланган битимларнинг бажарилиши, жумладан, савдо, инвестиция, банк-молия, транспорт, туризм ва бошқа муҳим соҳалардаги йирик қўшма лойиҳаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш борасида келишиб олинди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг Ўзбекистон Республикасига бўлғуси олий даражадаги ташрифига тайёргарлик кўриш ҳамда муқаддам эришилган келишувларнинг бажарилиши масалалари юзасидан Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ташкиллаштириш муҳимлиги эътироф этилди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилди, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича фикр алмашди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик алоқалари ҳамда анъанавий яқин ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёрлигини билдирдилар.

ЎзА

Фарғона шаҳрида Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон – Тожикистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ҳукуматлари аъзолари, тегишли вазирликлар, идоралар ва етакчи иқтисодий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

ФАРҒОНАДА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода ўзбек ва тожик халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик янги босқичга чиқаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган. Икки давлат раҳбарлари томонидан Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор халқларимиз туб манфаатларига хизмат қилмоқда. Икки томонлама ҳамкорлик барча комплекс масалаларни яхшилаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилмоқда.

Бугунги кунда товар алмашиш ҳажми ўсмоқда, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ҳамкорлик миқёси кенгаймоқда. Икки мамлакатнинг етакчи корхоналари ва ишбилармон доиралари ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишга хизмат қиладиган саноат қўргазмалари ва бизнес-форумлар ўтказилди ва бу ишлар давом этмоқда. Шу билан бирга, турли соҳаларда, хусусан, маданий-гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда.

Очиқ ва конструктив руҳда ўтган музокарада делегациялар раҳбарлари томонидан Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлигига юқори баҳо берилди. Қайд этилганидек, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва азму шижоати боис олий ва юқори даражалардаги алоқалар фаоллашди, ҳукуматлараро комиссиялар мажлислари ўтказилди.

Мажлисда Ўзбекистон – Тожикистон давлат чегарасининг айрим участкаларига доир лойиҳалар кўриб чиқилди. Қисқа муддат ичида давлат чегарасини делимитация қилиш жараёнида сезиларли муваффақиятга эришилгани қайд этилди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга давлат ташрифи чоғида имзоланиши режалаштирилаётган икки томонлама ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиб, олий даражадаги тадбирларнинг ташкилий жиҳатларига эътибор қаратди.

Учрашув якунлари бўйича қўшма протокол имзоланди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАШҚИ ВА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР НАТИЖАСИДА ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА САЙЁҲЛАР ОҚИМИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШДИ

Давлатимиз раҳбарининг туризм соҳасига оид фармон ва қарорлари асосида хорижий сайёҳлар учун виза тизимининг соддалаштирилиши, туристлар учун бир қатор имтиёз ва имкониятлар яратилиши бунда муҳим омил бўлмоқда.

САЙЁҲЛАР СОНИ ИККИ БАРОБАР КЎПАЙДИ

– Аввалги йилларда қиш пайтларида меҳмонлар келиши кескин камайиб кетиши туфайли ходимларимизнинг кўпчилигига таътил берилар эди, – дейди Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Д.Эрмаматов. – Бу йил январь-февраль ойларида ҳам мажмуамизга келувчилар оқими камайгани йўқ. Буни рақамларда ифодалайдиган бўлсак, ўтган йил январь ойида 43 минг 700 дан ортиқ меҳмон, жумладан, 125 нафар чет эллик сайёҳ буюк муҳаддис бобомиз мақбарасини зиёрат қилган эди. Жорий йилда эса зиёратчилар қарийб 72 минг кишини, улар орасида хорижликлар 300 нафарни ташкил этди. Ушбу даврдаги пул тушуми 67 миллион 500 минг сўмга етиб, ўтган йилгидан 27 миллион 900 минг сўм кўп бўлди.

Байрам кунларида қўшимча дам олиш кунларининг жорий этилиши, айниқса, ички туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Мисол, учун, Янги йил байрами кунларида қиш пайти бўлишига қарамай мажмуамиз зиёратчилар билан ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Наврўз байрамидаги дам олиш кунларида эса сайёҳларимиз сафи анча кенгайиши кутилмоқда. Бунинг учун зарур тайёргарлик ишларини амалга ошириб, гид-таржимонлар ва диний ходимлар малакасини ошириш чораларини кўрдик. Ҳудудда зиёратчилар учун ҳар томонлама қулайликлар яратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Президентимиз томонидан зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида Имом Бухорий мажмуаси атрофида кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Аввало, Самарқанд шаҳридан мажмуагача бўлган йўл кенгайтирилиб, унинг атрофида зарур инфратузилма объектлари қурилмоқда. Мажмуа яқинида халқаро талабларга жавоб берадиган 30 га яқин меҳмонхона, умумий овқатланиш шохобчаси, автотураргоҳ ва бошқа хизмат кўрсатиш масканлари бунёд этилаётир.

– Болаликдан бирга ўсган дўстларимиз, синфдошларимиз билан тез-тез учрашиб турамиз, – дейди Қашқадарё вилояти Китоб туманидан келган фахрий ўқитувчи Т.Имомов. – Бу галги учрашувимизни Самарқандга саёҳат тарзида ўтказишга келишган эдик. Зиёратимизни Имом Бухорий мажмуасидан бошладик ва қалбимиз маърифат нурлари билан ёришди. Ҳудудда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини кўриб, бу маскан келгусида яна ҳам обод ва кўркам бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2018 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Она табиатни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир. Асрлар давомида эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларини ифода этиб келаётган Наврўз мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланди.

Наврўз байрамининг беқиёс ижтимоий-маънавий аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган, "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз муносабати билан инсон ўзини табиат фарзанди, унинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни асраб-авайлашга, бугунги тинч, эркин ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга чорлайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш;

(Давоми 2-саҳифада)

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ҳиндистон – дунёда тиббиёт ривожи, фармацевтика саноати бўйича энг олди ўринларда турадиган давлатлардан бири. Ушбу мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармонлар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинади.

Ҳиндистон делегацияси Сирдарёда

Президентимиз ташаббуси билан республикамизда Ҳиндистон давлати билан ҳамкорликда замонавий дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, бир гуруҳ ҳиндистонлик шифокорлар мамлакатимизга келиб, маҳаллий соҳа ходимларига амалий машғулотлар, маҳорат дарслари ўтмоқда. Ҳамкорликда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Сирасини айтганда, икки давлат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Винод Кумар бошчилигида фармацевтика, кимё саноати, шунингдек, бир қатор дори-дармон ишлаб чиқариш компанияларининг раҳбарларидан ташкил топган Ҳиндистон давлати делегацияси аъзолари Сирдарё туманига ташриф буюрди.

Иштирокчиларга "Сирдарё фарм" иқтисодий зонасининг истиқболлари, ҳудудда барпо этиладиган замонавий фармацевтика корхоналарининг "йўл хариталари" ҳақида тушунчалар берилди. Мулоқот ва янги лойиҳалар билан танишув асосида дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ҳиндистон-Сирдарё қўшма корхоналари қуриш бўйича ўзаро келишувларга эришилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ғ.Мирзаев иштирок этди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Бунда тарих сўзлайди

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида ҳам Бухоро шаҳри ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осориатиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий ҳунармандчилик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Воҳада туризмни ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва соҳага оид дастурлар билан танишиб, аниқ кўрсатмалар берди. Жумладан, бир қатор тарихий обидалар, маданий – мерос объектларини таъмирдан чиқариш, ободонлаштириш борасидаги таклифлари, шубҳасиз, яқин келажакда музейлар фаолиятининг тубдан яхшиланишига таъсир кўрсатади.

Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонасининг 2018 йилга мўлжалланган иш режасида сайёҳлар ташрифини кўпайтириш, маҳалла ва таълим муассасаларида Бухоро тарихшунослигининг турли йўналишлари бўйича суҳбат ва бошқа тадбирларни мунтазам ўтказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, вилоят марказидан узоқ бўлган ҳудудларда музей-қўриқхонанинг кўчма кўргазмаларини ташкил этиш, сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида электрон чипта сотиб олишни йўлга қўйиш, корхоналар ходимларининг саёҳатларини уюштириш, оммавий музейларда янги инновацион технологияларни жорий қилиш, аудио-гид хизматларидан фойдаланиш каби вазифалар ҳам белгиланган.

Ушбу музей-қўриқхона тасарруфидаги 17 та филиал кўргазмаларида экспонатлар намойишга қўйилган. Ҳар бир кўргазма маълум бир ихтисосликни ўз ичига қамраб олган. Масалан, "Арк" ўлкашунослик музейи Бухоро воҳасининг тарихи, унинг археологик ўрганилиши, архитектураси, табиати ва этнографияси ҳамда тангашунослиги ҳақида маълумот берса, "Ситораи Моҳи Хосса" музейида халқ амалий безак санъати, сарой жиҳозлари ва уй-рўзғор буюмлари, бухороликларнинг ўзига хос миллий либослари, шунингдек, ноёб каштачилик буюмлари, амалий санъат асарлари намойиш этилади.

(Давоми 2-саҳифада)

Секторлар фаолияти:

Элга наво, дардларга дармон бахш этиб...

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳудудий секторлар ташкил этилган. Сектор раҳбарлари томонидан устувор вазифалар ижроси борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиш мақсадида вилоят ҳокимининг фармойиши билан "Жамоатчилик назорати" гуруҳи ташкил этилди.

"Жамоатчилик назорати" учта гуруҳдан иборат бўлиб, унга вилоят хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши, ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими жалб этилган.

Ишчи гуруҳи вилоятнинг Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Бойсун, Термиз ва бошқа туманлардаги тоғли ҳамда чекка маҳаллалар, Термиз шаҳридаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ижтимоий соҳа объектларида бўлиб, олиб борилаётган ишлар қўлами билан танишди. Бу жараёнда аниқланган қатор камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Жумладан, Шўрчи туманидаги "Қорааариқ" маҳалла фуқаролар йиғинининг биноси йўқлиги, ҚВП филиали ҳам вақтинча ҳудуддаги 39-мактабнинг спорт залида фаолият юритиб келаётгани аниқланди. Бу масала юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Вилоят ҳокимининг тегишли йиғилиш баённомаси билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Ягона буюртмачи хизмати" компанияси Шўрчи тумани ҳокимлиги билан биргаликда тиббиёт таянч пункти ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини учун жорий йилнинг 1 июль кунига қадар биноларни қуриб битказиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, маҳалланинг 270 нафар ўқувчиси 12 километр узоқликдаги Шўрчи агросаноат касб-ҳунар коллежига пиёда қатнаб ўқишарди. Бу масала ҳам сектор раҳбари ташаббуси билан ҳал этилиб, жорий йилнинг 1 февралидан вақтбай усулда автобус қатнови йўлга қўйилди.

– Шундай шароитлар яратиб бераётган давлатимиздан миннатдормиз, – дейди меҳнат фахрийси Муҳаммади бобо Бўтаев. – Айниқса, қиш фаслида сектор раҳбари ва "Жамоатчилик назорати" ишчи гуруҳ аъзолари биздек кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, маънавий ва моддий кўмак бераётгани кўнглимни тоғдек кўтарди. Турмуш ўртоғим руҳий касалликка чалинган. Шу боис, мен ҳеч қаерда ишламай, уни парваришлаб келяпман. Бошқа қаровчимиз йўқ. Лойсувоқ уйда яшаб келаётгандик. Ҳозир бизга уч хонали уйга пойдевор ташланиб, пишиқ ғиштдан уй қуриб беришяпти. Бундай ғамхўрлик ва эътибордан мамнунмиз.

Урганишлар натижасида Олтинсой туманида аниқланган муаммолар ҳам жойида бартараф этилди. Кам таъминланган ва ногирони бор оилаларга 40 қоп ун, 50 литр ёғ, 250 та газ баллони, 1 та газ плита, 10 та ногиронлик аравачаси, 2 та эшитиш мосламаси, 3 та қўлтиқтаёқ берилди. Шунингдек, "Ипоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи I-гуруҳ ногирони Отабек Эшонқуловга телевизор совға қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

«Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!»
Шу шиор остида оммавий сайиллар ўтказилади.

Наботот оламига ошуфталик
500 турдаги ўсимлик парваришланмоқда.

www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz

«Qishloq hayoti»

2018-yil 27-fevral, seshanba **22 (8885)-son**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2018 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

барча шаҳар ва қишлоқларда Наврўзнинг тарихи, мазмуни ва фалсафасини, ушбу байрамни ўтказиш билан боғлиқ урф-одатлар, қадрият ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзида мужассам этган оммавий сайиллар ўтказиш;

Наврўз кунларида ёрдамга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга қаратилган савоб ишлар, хайрия тадбирлари ва оммавий ҳашарларни амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор-этнографик гуруҳлари ва ансамбларни, таниқли санъаткорлар, ҳаваскор хонанда ва созандалар, бахшилар, аскиячи ва қизиқчилар, дорбозларни, ёш ижрочиларни кенг жалб этиш;

халқ сайиллари дастурларини тайёрлашда халқона ўйинлар, фольклор санъатининг энг яхши намуналарига кенг ўрин бериш, ҳунармандлик кўргазмаларини ташкил этиш, ибратли оила, ибратли маҳалла, ибратли мактаб, моҳир бахши, моҳир лапарчи йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш, адабий-бадиий учрашувлар, китоб байрамларини ташкил этиш.

3. Ташкилий қўмита томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, ижодий кечалар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига:

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳокимлар раҳбарлигида ҳудудий комиссиялар тузиш;

байрам сайилларини барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда босқичма-босқич равишда юқори савияда, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

март-апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишлар энг яхши йўлга қўйилган туман, қишлоқ ва маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш;

Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 23 февраль

Секторлар фаолияти:

Элга наво, дардларга дармон бахш этиб...

(Боши 1-саҳифада)

– Фарзандим I-гуруҳ ногирони. Унинг паспортининг амал қилиш муддати ўтгани боис алмаштиришга қийналиб турганди, – дейди меҳнат фахрийси Ўрол бобо Тошбоев. – Сектор раҳбари ва ишчи гуруҳ ташаббуси билан бу муаммомиз жойида ҳал этилди. Вилоят ИИБ ХЧКФР бошқармаси ходимлари кўчма дастгоҳи билан келиб уни расмга тушириб кетди.

Олтинсой туманидаги М.Пардаев кўчаси 21-уйда яшовчи Навбаҳор Холмуродова қирқ ёшга ҳам кирмай турмуш ўртоғидан ажралди. Икки нафар фарзанди билан ёлғиз қолди. Ўзи меҳнатга лаёқатсиз. Фарзандлари эса мактаб ёшида. Сектор раҳбари ва ишчи гуруҳ аъзолари Навбаҳорнинг ҳолидан хабар олганда, уйида электр ҳисоблагичи йўқлиги аниқланди. Туман электр тармоқлари корхонаси ташаббуси билан бу хонадонга электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Фарзандларига қишки кийим-кечак олиб берилди.

Қумқўрғон туманининг Имомтепа маҳалласида яшовчи Х.Кембоева 61 ёшда. Биринчи даражали серроз касаллиги билан оғриган. 4 нафар қизи турмушга чиқиб кетган. Туман тиббиёт бирлашмасида бемор чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, бепул даволанишга ётқизилди.

– "Жамоатчилик назорати" ишчи гуруҳи ёрдами билан туман марказий шифохонасида 10 кун даволаниб чиқдим, – дейди Хосият Кембоева. – Маҳалла раиси ва қўни-қўшниларим барака топишсин. Уйга келсам, кўрпа-ёстиқларимни янгилаб, мен учун шароит яратиб қўйишибди. Меҳр-оқибат, эътибордан бошим осмонга етди.

Термиз туманидаги 4 сектор фаолиятини ўрганиш натижасига кўра, истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш, газ баллонлари етказиб бериш, йўл қурилиши борасида бир қатор муаммолар борлиги аниқланди ҳамда уларнинг ечими топилди. "Шарқ", "Дўстлик", "Учқизил" каби маҳаллаларда трансформатор пункти янгидан барпо этилди. 3 та трансформатор пункти реконструкция қилиниб, қуввати оширилди. 8 дона ёғоч таянчлар янги бетон таянчларга алмаштирилди.

– Турмуш ўртоғим 1998 йилда вафот этган, 3 ўғил, 1 қизни икки хонали уйда тарбиялаб, вояга етказяпман, – дейди Матлуба Пиримова. – Имкониятимиз йўқлигидан ҳатто уйнинг кадастр ҳужжатларини ҳам расмийлаштиролмай турган эдик. Болаларим ҳали вояга етмаган. Ўзим ёлланиб, меҳнат қилиб рўзғоримизни тебратиб келяпман. Ишчи гуруҳ аъзолари келишиб, яшаш шароитимиз билан танишди. Фарзандларимизга қишки кийимлар совға қилишди. Уйнинг кадастр ҳужжатини тўғрилаб беришди. Энди хонадонимизни тўлиқ таъмирлаб, эшик-ромларни ҳам янгисига алмаштиришмоқда. Бу ғамхўрлик менинг ҳаётга қизиқишимни, эртанги кунга ишончимни оширди.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, ёшу кексани бирдек қувонтирмоқда. Ишчи гуруҳ аъзолари шу кунга қадар 3 мингдан ортиқ эҳтиёжманд хонадонда бўлиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, қишки кийим-кечаклар берилди. Кам таъминланган оилалар хонадонлари ҳомийлик маблағлари асосида таъмирланди. Вилоятнинг чекка қишлоқларидаги 500 га яқин ногирон, кекса ҳамда кам таъминланган оилалар вакиллари патронаж тиббий кўригидан ўтказилди. Уларнинг 35 нафарига туман тиббиёт бирлашмаларида, 6 нафарига вилоят шифохоналарида, 3 нафарига республика клиникаларида даволаниш учун йўлланма берилди. Таълим муассасаларида ҳам айни қиш мавсумида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилди.

Тадбир доирасида ишчи гуруҳ томонидан оилалардаги ажримлар ҳолати ўрганилиб, ўнлаб ёш оилалар сектор раҳбари, жамоатчилик вакиллари кўмагида яраштирилди.

Дилфуза ЖЎРАЕВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

САЙЁҲЛАР СОНИ ИККИ БАРОБАР КЎПАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

– Туманимиз ҳокимлиги жорий йилда Ҳаж ва Умра сафарига борувчилар учун Имом Бухорий мажмуасига уюштирган саёҳати туфайли ушбу масканни зиёрат қилиш бахти насиб этди, – дейди Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида яшовчи Гулсара Шораҳмедова. – Бундан жуда мамнунмиз. Чунки, улуғ зиёратни аввало ўз юртимиздан, ислом оламининг буюк алломалари номи билан боғлиқ масканлардан бошлашимиз керак.

Айни пайтда мажмуа ёнида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилаётир. Қурилиш участкаси бошлиғи – "Қурилиш бирлашмаси" акциядорлик жамияти масъул ходими Р.Бурубоевнинг айтишича, 7 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда асосий қурилиш ишлари якунига етказилган ва ҳозирда биноларни пардозлаш ва жиҳозлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар миллий ва замонавий архитектура уйғунлигида бажарилмоқда.

Ушбу масканда илмий-тадқиқот маркази, ҳадисшунослик мактаби ва мазкур мактаб тингловчилари учун ётоқхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш масканлари, илмий ходимларга мўлжалланган турар жойлар бунёд этилган. Марказда илмий-тадқиқотлар ўтказишга мўлжалланган ва ноёб тарихий китоблар, қўлёзмалар сақланадиган йирик кутубхона, ҳадисшунослик илми билан боғлиқ музей ташкил қилинади.



ЎзА суратлари.

Бу марказ келгусида Имом Бухорий мажмуаси билан яхлит комплекс сифатида юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга хизмат қиладиган маърифат маскани, йирик саёҳлик марказига айланиши шубҳасиз.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Томорқасини ўрмонга айлантирган боғбон

Қувалик Ашурали Умрзоқов 500 турдаги ноёб ўсимликни Фарғона иқлимига мослаштиришга аҳд қилган

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

У яшайдиган Бойистон маҳалласидаги хонадонга кириб борар экансиз, аҳдининг қатъийлигига ишонасиз – турфа кўчатларга кўзингиз тушади. Қиш кунлари бўлишига қарамай, айвон устунига чирмашиб кўм-кўк бўлиб печаксимон ўсимлик ўсмоқда.

– Бу Плюш, – дейди Ашурали ака. – Ёпишқоқ ўсимлик, уни дарахт ҳам дейишади. Қишин-ёзин шу тахлит кўм-кўк бўлиб ўсаверади. Ватани Африка. Тошкентга борганимда бир дўстим орқали уруғини топиб, олиб келган эдим. Ичкарида кўпайтиряпман. Мана бу ариқ лабида ўсаётган кўчатлар эса арчанинг ноёб турлари, унинг харидори жуда кўп. Кўчириб, томири ўраб қўйилган мана бу кўчатлар эса лола дарахтлари. Унинг ҳам бир неча турини кўпайтиряпман. Март ойи бошидан гуллайди. Шунда одамнинг баҳри-дили очилиб кетади.

Эшикдан ичкарига кириб, янада ҳайратимиз ошди. Дарвозахонанинг ўзидаёқ ўнлаб турдаги ўсимликлар яшнаб турибди.

– Юраверинг экскурсияни яхшиси томорқанинг охиридан бошлай қолайлик, – дея кулади Ашурали ака.

Ортидан бордик. Томорқанинг адоғида 15 метр баландликка бўй чўзган сосна дарахтлари кўрк тўкиб турибди. Танасининг йўғонлиги 30-40 сантиметрча келади. Пальма дарахтлари ҳам барқ уриб ўсяпти. Суптропик ўрмонлардаги каби ингичка сўқмоқдан бошқа ерлар бутунлай банд. Уй эгаси эса бизга тушунтириб боряпти:

– Мана бу 20 туп суман дарахти, буниси эса шамшод. Унинг 4 хили бор. доим бир хилда – кўм-кўк ўсади. Мана булар арчалар. Булар 1000 тупдан ортиқ каштан дарахт кўчатлари. Яқинда Сўхда яшовчи бир шифокор дўстим Эфиопиядан пальма дарахтларининг бизда йўқ 6 хил уруғини олиб келиб берди, экиб кўпайтиряпман. Каштан уруғини алоҳида, 30 сотихлик ерда кўпайтирганман, ҳозир улар экишга тайёр турибди. Мен раҳматли селекционер олим Исмоилжон Неъматовдан кўп нарсаларни ўрганганман. Ҳозир ҳам олимлар билан биргаликда иш олиб боряпман.

Шундан сўнг Ашурали ака каштан етиштириш хусусида гапирди.

– Каштан кўчатларини тайёрлаш қийин, деган гаплар юради, – дейди у. – Тўғри, бироз мураккаб. Лекин агротехникасига риоя қилинса, яхши самарага эришилади. Ёввойи узум, оқ гул дарахтларини ҳам ўстирганман. Мана бу оқ гул дарахти, "жартезия", деб аталади. Танаси анорникига ўхшайди, гуллаганида шунақа чиройли бўладики, асти қўяверасиз.

Суҳбатимиз давомида Ашурали ака: "Умрим давомида 500 турдаги кўчат етиштириб, одамларга тарқатишни кўнглимга тугиб қўйганман", деди. Унинг ғайратига, меҳнатсеварлигига таҳсин айтмай илож йўқ.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида "Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки делегацияси Оролбўйида

Унда туман ва шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, тижорат банклари раҳбарлари, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ЕТТБнинг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашдаги ўрни, кредит ажратиш шартлари, хусусий секторни молиялаштириш борасидаги тажрибалари юзасидан батафсил маълумот берилди. Таъкидланганидек, 2017 йилнинг ноябрь ойида Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида умумий қиймати 170 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини ажратиш бўйича келишувга эришилди. Шу йилнинг февраль ойида эса, туризм ва маданий мерос обидаларига доир лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан меморандум имзоланди. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ЕТТБ томонидан умумий қиймати 150 миллион евро ажратиладиган "Маданий мерос" дастурида иштирок этиш учун танлаб олинган мамлакатлардан биридир.

Бугунги кунда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳам яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, "Кичик бизнес учун маслаҳатлар" дастурини амалга ошириш учун умумий қиймати 2,5 миллион еврога тенг меморандум имзоланган.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бунда тарих сўзлайди

(Боши 1-саҳифада)

"Қадимги Пойкент тарихи" ва "Варахша шаҳарчаси тарихи" музейлари кўргазмаларидан воҳанинг қадимий шаҳарлари ва Бухоро Сўғди ҳудудида илк ўрта асрларда маданият гуллаб-яшнаганидан сўзловчи қимматли топилмалар ва ашёлар ўрин олган. "Бухоро сув таъминоти тарихи" музейида эса воҳанинг суғориш тармоқлари, сардобалар, ҳовузлар, ҳаммомлар ва сув идишлари жой эгаллаган. Шунингдек, музейларда Бухорода ҳуқуқ ва қонунчилик, темирчилик ҳунари тарихи, ёғоч ўймакорлиги ҳамда хаттотлик санъатини ўз экспонатлари орқали сўзлаб беруви кўргазмалар ҳам мавжуд.

Сир эмаски, Бухоро қадимдан азиз авлиёлар, буюк мутафаккирлар юрти ҳисобланади. Тиб илмининг султони, буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино, ҳадисшунос имом Исмоил ал-Бухорий, "Нақшбандия" тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд, давлат арбоби ва ёзувчи Абдурауф Фитрат каби ватандошларимизнинг бой маънавий мероси, ибратли ҳаёт йўли маҳаллий ва хорижий сайёҳларга тарғиб қилиш мақсадида Бухоро шаҳрида ҳамда алломалар туғилган жойларда ихтисослашган музейлар ташкил этилган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, қадим шаҳарнинг ҳали ўрганилмаган қирралари кўп. Масалан, воҳадаги 200 дан ортиқ қадимий шаҳарлар қолдиқлари маданий мерос объекти ҳисобланиб, уларда маҳаллий ва хорижий археологлар томонидан навбатма-навбат қазишма ишлари олиб борилмоқда. Вардонзе, Варахша, Пойкент, Учкулоҳ, Сеталак каби ўнлаб қадимий шаҳарчалар харобалари археологик ўрганилиб, топилган ашёлар музей-қўриқхона тасарруфидаги кўргазмалардан ўрин олмоқда. Шундай экспонатлардан бири – Варахшадан топилган "Роҳибнинг тақвоси" номли маҳобатли деворий сурат "Тарих" илмий бўлими кўргазмасига келаётган ҳар бир сайёҳда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳозирги кунда Россия давлат Эрмитажи ва Франциянинг Лувр музейи археологлари Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти мутахассислари ҳамда музей-қўриқхона ходимлари билан ҳамкорликда қадимий Пойкент харобаларида қазишма ишлари олиб боришмоқда. Шу ернинг ўзида ташкил этилган археологлар базасида топилган ашёлар музей-қўриқхонанинг таъмирловчилари томонидан дастлабки ишлов – концервация ва реставрация қилинади. 2017 йилда жами 158 та археологик экспонат фондларга қабул қилинди.

Халқаро муносабатларда Хитой Халқ Республикасининг Шанси провинцияси "Сиань Ғарбий бозори" музейи ҳамда Бухоро шаҳри билан биродарлашган Лоянь провинциясининг Лоянь музейлари алоҳида ўрин тутади. Ўтган йили "Сиань Ғарбий бозори" музейи томонидан ташкил этилган илмий анжуманда музей-қўриқхона ўзининг замонавий ҳунармандчилик кўргазмаси билан иштирок этди. Бухорода ҳам Лоянь музейининг кўргазмасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Музей-қўриқхонада маҳаллий ва хорижий сайёҳларга кўрсатилаётган сервис хизматининг яхшиланиши натижасида улар оқими йилдан йилга кўпаймоқда. Масалан, 2016 йилда музей-қўриқхона тасарруфидаги музейларни 493 мингдан ортиқ сайёҳ томоша қилган бўлса, 2017 йилда бу рақам 626 минг кишига ортди. Сайёҳларга ўзбек, рус, тожик, инглиз, француз, немис, хитой ва араб тилларида экскурсиялар ташкил этилади. Бунинг учун 24 нафар олий маълумотли гид хизмат кўрсатади. Сайёҳлар оқимини кўпайтириш, янги кўргазмаларга томошабинларни жалб этиш мақсадида ҳар йили Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Халқаро ярмаркаларда музей-қўриқхона ўзининг реклама ва тарқатма маҳсулотлари билан иштирок этади. 2017 йилда республикамиздаги 65 мингта туристик фирма билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди ва музейларга 118 нафардан зиёд хорижий сайёҳ жалб қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш тўғрисида"ги қарорига асосан 18 ёшгача бўлган болалар ва уларнинг ҳамроҳлари республикамиздаги барча давлат музейларини сешанба ва жума кунлари бепул томоша қилиш имкониятига эга бўлди. Музейларда сақланаётган ноёб ашёлар, халқимизнинг бой тарихи, археологияси, урф-одатлари, ҳунармандчилиги, савдо-сотиқ ишлари, амалий ва тасвирий санъати, шубҳасиз, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг комил инсон сифатида камол топишида муҳим ўрин тутади. Ўтган йилда 148 минг нафардан зиёд бола шундай имкониятдан фойдаланди.

Музей-қўриқхона фаолиятини тарғиб этиш мақсадида 3-D форматдаги "Виртуал музей" дастури асосида интернет сайтларида маълумотлар, тадбир ва кўргазмаларнинг ахборотлари бериб борилади. Маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, интернет сайтларида музей қўриқхона илмий ходимлари томонидан ранг-баранг мавзуларда мақолалар чоп этилади.

Абдурашид ЗИКРИЛЛОЕВ,
Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси директори.

«Келажагимиз умидлари»

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қарши шаҳридаги "Геолог" спорт мажмуасида шу шиор остида болалар футбол фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари ва барча туманлардан 1-синфдан 4-синфгача бўлган 400 нафар жажжи ўғил-қизлар иштирок этди. Мусобақа доирасида маҳорат дарслари ҳам ўтказилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ташкилотчиларнинг сертификат ва махсус совғалари билан тақдирланди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах шаҳрида "Энг фаол кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Маҳалла фаоллари беллашдилар

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Жиззах шаҳар кенгаши томонидан уюштирилган анжуманда кўрик-танловнинг саралаш босқичида ғолиб бўлган кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар 6 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танлов якунига кўра, "Учариқ" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи Икром Азимов ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди. Кейинги ўринлар А.Навоий ҳамда М.Улуғбек номли маҳаллалар вакиллари Мурод Шарипов ва Анорхон Мамаюнусоваларга насиб этди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

2000 тонна толани қайта ишлайди
Маҳсулотнинг 70 фоизи экспортга.

Ҳаётий тажрибага суянишади
Бу маҳалла тотувлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАР:

Калаванинг бир учи Европада

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Хонқа туманидаги “Cilasun Tashkent” қўшма корхонаси йилига 2000 тонна пахта толасини қайта ишлаб, ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада 80 нафарга яқин киши меҳнат қилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисми Россия, Беларусь, Польша давлатларига экспорт қилинмоқда. 2016 йилдан буён Минск шаҳрида корхонанинг “Ўзбек-Беларусь” савдо уйи фаолият кўрсатмоқда.

– 2017 йилда қарийб 664 тонна ип-калава ишлаб чиқарилди, – дейди қўшма корхона раҳбари Юсуфжон Содиқов. – Шундан 468 тоннаси экспорт қилинди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этилган имтиёзлар фаолиятимизни янада кенгайтириш, замонавий технологиялар билан таъминланишимиз ҳамда янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорти амалга оширилди. Корхона “2017-2019 йилларда модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастури”га киритилган. Ҳозирда хориждан келтирилиши режалаштирилган замонавий дастгоҳларни жойлаштириш учун зарур бўлган қурилиш ишлари тўлиқ якунига етказилди. Янги лойиҳа асосида корхонанинг ишлаб, чиқариш қуввати 2 баробарга ортади, шунингдек, яна 50 та янги иш ўрни яратилади.

– “Cilasun Tashkent” корхонаси илғор тадбиркорлик субъектларидан бири саналади, – дейди Хонқа тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Сарварбек Ниязов. – Корхона мутасаддилари тадбиркорларни солиққа оид меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан кенг таништириш мақсадида ташкил этилаётган учрашувлар, очиқ мулоқотлар ҳамда давра суҳбатларида мунтазам иштирок этиб келади. Бунинг натижасида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, маҳсулотлар экспорти ортмоқда. Янги иш ўринлари яратилмоқда.

– Унумли меҳнат қилишимиз учун барча шароитлар яратилган, – дейди ишчи Шаҳноза Мирзаева. – Ҳар биримиз махсус кийим билан таъминланганмиз. Ишчи-хизматчилар учун транспорт ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоий шаҳрида “Кексалар ва фахрийлар масалалари бўйича энг намунали маслаҳатчи” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Шижоати ёшларга хос нуронийлар

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 10 нафар маслаҳатчи ўзаро беллашди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда нуронийларнинг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш ва уларни ёш авлод вакилларини халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига кўмаклашишга кенг жалб этиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

– Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик тартибида фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди, – дейди вилоят “Нуроний” жамғармаси раиси Жалил Норов. – Бугунги кунда улар фаолиятга оид зарур бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Биз уларнинг ҳаётий тажрибаларига суяниб, кўп нарсага эришмоқдамиз.

Танловда маслаҳатчилар кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалла институтининг тутган ўрнини намойиш этувчи тақдимот, маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатлардан тўлақонли хабардорлик ва ўз фаолиятининг ҳисоботлари каби шартлар бўйича маҳоратларини намоён этишди.

Танлов якунига кўра, биринчи ўрин Қизилтепа тумани “Узилишкент” МФЙнинг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси Сафоқул Хўжаевга насиб этди. Иккинчи ўринга эса Навоий шаҳридаги “Дўстлик” МФЙдан иштирок этган Бобоқул Шайматов, учинчи ўринга Хатирчи туманидаги “Жалойир” МФЙ вакили Бекмурод Аслонов лойиқ кўрилди.

Якунда ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Эълон

Сув ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва магистрантлар диққатига!

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан очиқ маърузалар ўтказиш тўғрисида эълон қилади

№	Маърузачи (Ф.И.Ш.)	Маруза мавзуси	Сана	Кафедра номи	Жойи, вақти	Маруза тили
1	Матяқубов Бахтияр Шамуратович, доцент, қ/х.ф.н.	Суғориш усуллари ва техникаси. Суғориш усулларини қўллаш шартлари.	27 февраль 2018 йил	Ирригация ва мелиорация	В-408 10:00	Давлат тили
2	Ботиров Шавкат Чориевич доцент, қ/х.ф.н.	Қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш режими. Гидромодуллар. Тупроқнинг нам сиғими.	1 март 2018 йил	Ирригация ва мелиорация	Б-07 08:30	Давлат тили
3	Абдурахмонов Сарвар Нарзуллаевич, катта ўқитувчи	Топографик карталарни янгилашнинг моҳияти ва технологияси	2 март 2018 йил	Геодезия ва геоинформатика	А-318 08:30	Давлат тили
4	Аликулов Сайдилла, доцент, т.ф.н.	Пахта ҳосилини териб олиш технологияси	2 март 2018 йил	“Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш”	В-211 11:30	Давлат тили
5	Исаков Алижон Абдумитолипович, катта ўқитувчи	Ғалла комбайнининг дон тозалаш, сомон элагич қисмлари кинематик режимлари	3 март 2018 йил	Қишлоқ хўжалик машиналари	В- 211 08:30	Давлат тили
6	Ашрабова Мавжуда Аскаровна, катта ўқитувчи	Сув хўжалиги қурилишида ташкилотлар ва корхоналарнинг ташкилий тузилишлари.	3 март 2018 йил	Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва технологияси	Г-109 16:30	Давлат тили
7	Ходжиев Алишер Қулдашевич, катта ўқитувчи	Гидростатик босим кучининг текис сиртга таъсири	7 март 2018 йил	“Гидравлика ва гидроинформатика”	Г-1-зал 16:30	Давлат тили
8	Мардонов Шерзод Халилович, доцент, т.ф.н.	Фрезали канал қазгич машинасининг ҳисоблаш асослари	9 март 2018 йил	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш	Г-104 11:30	Давлат тили
9	Зулхонов Мустафо Джураевич, ф.ф.н.	Feiertage in Uzbekistan	12 март 2018 йил	Тиллар	Г-416 11:30	Немис тили
10	Кан Эдуард Климентович, доцент, т.ф.н.	Приливные ЭС (ПЭС) Энерги приливовотливов.	12 март 2018 йил	Сув энергияси ва насос стнацияларидан фойдаланиш	Б-407 13:30	Рус тили
11	Газиева Раъно Тешабаевна, доцент	Интеллектуал датчиклар	13 март 2018 йил	Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш	В-404 10:00	Давлат тили
12	Тўхтаева Назира Бердиевна, катта ўқитувчи	Магнит оқими. Электро магнит индукция ҳодисаси.	14 март 2018 йил	Физика ва кимё	А-220 08:30	Давлат тили
13	Мадазизова Дилфуза Рахматуллаевна, катта ўқитувчи	Инсон саломатлиги. Соғлом ва касал организм ҳақида	15 март 2018 йил	“Педагогика психология	В-412 10:00	Давлат тили
14	Батырова Лолита Анваровна, катта ўқитувчи	“Современные приборы определения состояния изоляции”	16 март 2018 йил	Электр таъминоти ва қайта тикланувчи энергия манбалари	В-611 08:30	Рус тили
15	Музафаров Шавкат Мансурович, доцент, т.ф.н.	“Изоляция ҳолатини аниқлаш учун замонавий мосламалар”	16 март 2018 йил	“Электр таъминоти ва қайта тикланувчи энергия манбаалари	В-605 11:30	Давлат тили
16	Мухторов Ўзбекхон Бурхонович, катта ўқитувчи	Масофадан зондлаш ва йўлдошли позиционерлаш тизимлари	16 март 2018 йил	Геодезия ва геоинформатика	А-318 11:30	Давлат тили
17	Аҳмедов Икромали, доцент	Ер ишларини портлатиш усули билан бажаришда хавфсизлик талаблари	16 март 2018 йил	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	Г-602 13:30	Давлат тили
18	Худойбердиева Дилафруз Абидовна, ассистент	Бизнес режа – фирма фаолиятини режалаштиришдаги асосий ҳужжат	17 март 2018 йил	“Менежмент”	Б-03 11:30	Давлат тили
19	Юнусов Рустем Фаикович, катта ўқитувчи	“Коммутационные аппараты до 1 кв”	20 март 2018 йил	Электр таъминоти ва қайта тикланувчи энергия манбалари	В-510 11:30	Рус тили
20	Нуритов Икром Ражабович, доцент	Ички ёнув двигателларининг идеал цикллари	22 март 2018 йил	Трактор ва автомобиллар	Зал 6 10:00	Давлат тили
21	Салохиддинов Абдулҳаким Темурхужаевич, профессор, т.ф.д.	Сув хўжалиги соҳасида ислоҳотлар	22 март 2018 йил	Экология ва сув ресурларини бошқариш	2-зал 08:30	Давлат тили
22	Джамолов Комолидин, доцент	Математик программалаштириш масаласини симплекс усулида ечиш	23 март 2018 йил	Ахборот технологиялари	Г-317 08:30	Давлат тили
23	Рахматов Норқобил, доцент, т.ф.н.	Каналлар ва улардаги иншоотлардан фойдаланиш	23 март 2018 йил	Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари	Б-304 11:30	Давлат тили
24	Камилов Асил Икрамович, доцент	Ғилдиракли тракторларнинг умумий динамикаси	24 март 2018 йил	Трактор ва автомобиллар	В-314 08:30	Давлат тили
25	Дурманов Акмал Шаймарданович, катта ўқитувчи	Корхонанинг аудитор, банк ва кредит ҳужжатлари	24 март 2018 йил	“Менежмент”	Б-219 11:30	Давлат тили
26	Халиқназаров Ўролбой Абдурахмонович	Электр пайвандлаш ускуналари ва электр кавшарлар	26 март 2018 йил	Электротехнологиялар ва электр жиҳозлардан фойдаланиш	В-401 10:00	Давлат тили
27	Фырлина Галина Львовна, катта ўқитувчи	Комплексная механизация строительных, ремонтных и очистных работ по открытой коллекторно-дренажной сети	26 март 2018 йил	Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва технологияси	Г-316 11:30	Рус тили
28	Ашуров Абдулло Файзуллоевич, катта ўқитувчи	Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш кадастр рақамларини шакллантириш ва бериш тартиби	27 март 2018 йил	Давлат кадастрлари	А-318 10:00	Давлат тили
29	Хусанов Қаҳрамон, доцент, т.ф.н.	Қаттиқ жисмнинг текис параллел ҳаракати. Текис шаклнинг ҳаракат тенгламалари	27 март 2018 йил	“Назарий ва қурилиш механикаси”	В-216 13:30	Давлат тили
30	Шеров Анвар Ғуломович	Хўжаликлар учун сувдан фойдаланиш режасини (СФР) тузиш зарурияти	28 март 2018 йил	Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш	Б-312 08:30	Давлат тили
31	Арифжанов Айбек Мухаммеджанович, профессор	Нотекис ҳаракат дифференциал тенгламаси	29-март 2018 йил	“Гидравлика ва гидроинформатика”	Г-413 08:30	Давлат тили
32	Гаппаров Фуркат Ахмадович, доцент, т.ф.н.	Фавқулотда ҳолатларда сув омборларидан фойдаланиш	29 март 2018 йил	Гидрология гидрогеология	Г-419 10:00	Давлат тили
33	Шерматова Зухра Маккамбаевна, доцент, т.ф.н.	Машина-трактор агрегатлари ҳақида асосий тушунчалар ва ундан фойдаланиш. МТАни тузиш	31 март 2018 йил	“Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш”	В-408 08:30	Давлат тили
34	Байзаков Тахир Мирзанович, доцент, т.ф.н.,	Юқори ва ўта юқори босимли газ разрядли лампалар	2 апрель 2018 йил	Электротехнологиялар ва электр жиҳозлардан фойдаланиш	В-602 08:30	Давлат тили
35	Абдиқаххор Абдувалиев, т.ф.д., профессор	Фермалар тўғрисида умумий тушунчалар. Фермаларнинг таснифи (классификацияси). Фермани ҳисоблаш усуллари	3 апрель 2018 йил	“Назарий ва қурилиш механикаси”	Б-08 11:30	Рус тили
36	Атамирзаев Махмуджон, доцент, ф/м.ф.н.	Бир жинсли дифференциал тенгламалар.Бир жинсли тенгламага келтириладиган дифференциал тенгламалар. Бернулли тенгламаси	4 апрель 2018 йил	Олий математика	В-404, 13:30	Давлат тили
37	Атажанов Адилжан Усенович, ассистент	Ёпиқ горизонтал дренаж ва коллекторлар тизимида тозалаш (ювиш), таъмирлаш ишларини бажариш лойиҳасини тузиш.	5 апрель 2018 йил	Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва технологияси	Г-601 10:00	Давлат тили
38	Эргашев Рустам Рахимович, доцент, т.ф.н.	Насос станцияларининг асосий, ёрдамчи гидромеханик жиҳозлари. Сув узатиш графиги.	9 апрель 2018 йил	Сув энергияси ва насос стнацияларидан фойдаланиш	В-504 10:00	Давлат тили
39	Рустамова Дилбар Рустамовна, катта ўқитувчи	Ялпи иш кучи ва бандлиги ва ишсизлик.	11 апрель 2018 йил	Иқтисодий назария асослари	Б-220 11:30	Давлат тили
40	Йўлдошев Нурулла, ф/м.ф.н, доцент	Аниқ интеграл. Қуйи ва юқори интеграл йиғиндилар. Аниқ интегралнинг мавжудлиги ҳақидаги теорема. Аниқ интегралнинг асосий хоссалари. Аниқ интегрални ҳисоблаш.	11 апрель 2018 йил	Олий математика	Г-511, 13:30	Давлат тили
41	Ли Афанасий Семенович, доцент, к.н.т.	Дождевальное орошение. Классификация дождевальных машин, Техника, элементы дождевального орошения и технология организации облаков дождя	12 апрель 2018 йил	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш	Г-321 10:00	Рус тили
42	Якубова Махмуда Урушваевна, катта ўқитувчи	Ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари	12 апрель 2018 йил	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	Г-109 13:30	Давлат тили
43	Шермухамедов Хуршид Пирматович, катта ўқитувчи	Пўлатлар ва чўянлар классификацияси	12 апрель 2018 йил	“Умумтехник фанлар”	Г-103 13:30	Давлат тили
44	Умиров Ношир Тухтабоевич, доцент	Трактор ва автомобилларнинг турғунлиги	16 апрель 2018 йил	Трактор ва автомобиллар	Г-315 13:30	Давлат тили
45	Эгамбердиев Нўмон Бабаевич, профессор, т.ф.д.	Тупроқ ресурсларини муҳофаза қилиш	17 апрель 2018 йил	Экология ва сув ресурларини бошқариш	Зал 2 13:30	Давлат тили
46	Табаев Азамат Зарипбаевич, доцент в.б.	Харажатлар ҳисоби	19 апрель 2018 йил	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	Б-214 8:30	Давлат тили
47	Буриев Салимжон Самеджанович, доцент	Тупроққа ишлов бериш	21 апрель 2018 йил	Тупроқшунослик ва деҳқончилик	3-зал 10:00	Давлат тили
48	Хажиев Машарип Хажиевич, доцент, т.ф.н.	Тишли механизмлар кинматикаси	21 апрель 2018 йил	“Умумтехник фанлар”	1-зал 13:30	Давлат тили
49	Муртазоқул Мустафоев, катта ўқитувчи	Зах қочириш тармоқларини таъмирлаш, тозалаш ишлари ресурс ведомостини ва тозалаш-таъмирлаш ишлари ресурс сметасини тузиш	24 апрель 2018 йил	Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва технологияси	Г -602 08:30	Давлат тили
50	Муродов Шерзодбек Мурод ўғли, катта ўқитувчи	Производительность труда и оплата в водном хозяйстве	25 апрель 2018 йил	“Иқтисодиёт”	Б-215 08:30	Рус тили
51	Эрназаров Файзулло Нарзуллаевич, доцент, т.ф.н.	Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш	26 апрель 2018 йил	“Гуманитар фанлар”	В-104 08:30	Давлат тили
52	Мажидов Бахром Хамидович, ассистент	Захира ерлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати	28 апрель 2018 йил	Ердан фойдаланиш	А 214 10:00	Давлат тили
53	Худаяров Бердирасул Мирзаевич, доцент, т.ф.д.	Уруғ экишдан олдин шўрланган ерларга ишлов берувчи намлик, ресурс ҳамда энергиятежамкор комбинациялашган машиналарнинг техник ечимлари	4 май 2018 йил	Қишлоқ хўжалик машиналари	В 216- 15:00	Давлат тили
54	Бекмирзаев Ғулом Ташпулатович, PhD	Тупроқ эрозиясининг турлари. Сув эрозияси ва унга қарши курашиш	8 май 2018 йил	Ирригация ва мелиорация	Г-511 10:30	Давлат тили
55	Мирзаев Сойибжон Собитович, доцент	Разработка программ на языке программирования	8 май 2018 йил	Ахборот технологиялари	Б-207 15:00	Рус тили
56	Нуралиев Алмухан Калпакбаевич, доцент, т.ф.н.	Раторли қисқа туташтирилган асинхрон двигателини частотали ўзгартиргич ёрдамида ростлаш	10 май 2018 йил	Электротехника ва мехатроника	В-404 08:30	Давлат тили
57	Ойматов Рустам Камардинович, доцент, т.ф.н.	Космик съёмкаларнинг карта тузишда аҳамияти	11 май 2018 йил	Геодезия ва геоинформатика	А-123 10:00	Давлат тили
58	Джураев Шавкат Ташкуватович, ф.ф.н.	Из истории мобильной связи	15 май 2018 йил	Тиллар	Б-414 13:30	Рус тили
59	Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич, профессор, ф.ф.н.	Эстетик тафаккурни ривожлантириш тарихи ва қонуниятлари	16 май 2018 йил	“Гуманитар фанлар”	Б-108 08:30	Давлат тили
60	Бахтиёр Юлдошев, катта ўқитувчи	Мураккаб деформациянинг кўринишлари. Балканинг қийшиқ эгилиши	16 май 2018 йил	“Назарий ва қурилиш механикаси”	Г-211 10:00	Давлат тили
61	Кадиров Одилжон, доцент, т.ф.н.	Комбинациялаштирилган иншоотлар қўлланиши, конструкцияси ва гидравлик ҳисоби	25 май 2018 йил	Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари	Б-323 8:30	Давлат тили
62	Курбанова Юлдузхон Илхомовна, доцент.ф.ф.н.	Ишончнома, Тилхат, Тушунтириш хати.	25 май. 2018 йил	Тиллар	Б-04 11:30	Давлат тили
63	Пулатова Халима Ашрафовна, катта ўқитувчи	Сонлар билан белгиланган проекциялаш усули	26 май 2018 йил	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	Г-3 зал 15:00	Давлат тили

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2018-yil 27-fevral, seshanba 22 (8885)-son

Энди даво истаб, довон ошиш шарт эмас

ҳиндистонлик ҳамда беларуслик бир гуруҳ малакали шифокорлар Наманганда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ҳиндистоннинг "FORTIS" клиникаси малакали мутахассислари Наманганда водий вилоятлари аҳолисини уч кун давомида кардиожарроҳлик, ортопедия-нейрожарроҳлик ва нефрология-урология йўналишлари бўйича тиббий кўрикдан ўтказди.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига ташриф буюрган "FORTIS" клиникаси ортопед-нейрожарроҳи Дивеш Гулати шу жойнинг ўзида бемор болаларни кўрикдан ўтказди.

– 10 ёшли қизим Муштарийни малакали мутахассислар кўригидан ўтказиб чиқяпман, худо хоҳласа, дилбандимнинг тезда соғайиб кетишига ишонаман – дейди фарғоналик Сайёра Рашидова.

Ражу Вияс ҳам Ҳиндистоннинг таниқли шифокорларидан бири. Кардиожарроҳ вилоят кардиология марказида юрак хасталикларидан азият чекаётган беморларни қабул қилди.

– Саккиз йилдан бери Ҳиндистонга бориб, кардиологлар кўригидан ўтишнинг иложини топа олмаётган эдим, – дейди наманганлик Жаҳонгир Султонов. – Бугун уларнинг ўзлари келиб мушкулимни осон қилди. "FORTIS" клиникаси етакчи мутахассиси Ражу Вияс хасталигимга оид текширув маълумотномаларини синчковлик билан ўрганиб, қимматли тавсияларини берди. Шу хайрли иш ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази поликлиникасида ҳам кенг қамровли тиббий кўрик ўтказилди. Буйрак хасталигидан озор чекаётган Муҳаррам Жўраевани ҳам мутахассислар текширувдан ўтказишди. Тиббий хулоса натижаларига кўра бемор шу куни касалхонага ётқизилиб, муолажа бошлаб юборилди.

Шунингдек, Беларуснинг Гродно давлат тиббиёт университети юқумли касалликлар кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори, Беларусь Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Владимир Циркунов ҳам Наманган вилоятида бўлди. Таниқли шифокор-олим дастлаб вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига ташриф буюрди. Профессор Владимир Циркунов тиббиёт марказининг гастроэнтерология ва анестезиология-реанимация бўлимларига ётқизилган беморлар билан суҳбатлашди. Уларни даволаш жараёнлари билан танишиб, соғломлаштириш ишларини янада жадаллаштиришга оид тавсияларини берди.

> **– Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан юқумли касалликларнинг олдини олиш ва самарали даволаш юзасидан тажриба алмашиб турамиз, – дейди доктор В.Циркунов. – Наманганга эса учинчи бор келишим. Ҳамкорлигимиз ижобий самаралар бераётганидан мамнунман.**

Ташриф давомида беларуслик таниқли шифокор гепатологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференцияда қатнашди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Огоҳлик

Пойтахтимизда "Ёнғинлар профилактикаси куни" тадбирлари доирасида Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли турар жойларида, ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари ўртасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Барча ҳаракатлар эл осойишталиги учун

Хусусан, бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши ҳолати профилактик кўрикдан ўтказилмоқда. Мазкур жараёнда аниқланган ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши ҳолатлари ҳамда камчиликлар жойида бартараф этиляпти. Хонадонларнинг ҳар бирига тегишли органлар вакиллари ва маҳалла фаоллари билан биргаликда кириб, фуқароларга тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенгроқ тарғиб этиш мақсадида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги корхона, ташкилотларда ҳамда аҳоли яшаш жойларида учрашувлар ташкил этилмоқда.

Буларнинг барчаси ҳар биримизнинг ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Шу боис бунинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда белгиланган қоидаларга қатъий риоя этишимиз, тилсиз ёвдан доим огоҳ бўлишимиз шарт.

Акбар АЛИМЕТОВ,
Тошкент шаҳар ЁХБ кичик инспектори, сержант.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудири:

1. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 2. Фитопотология ва агробиотехнология кафедраси; 3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси кафедраси; 4. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси; 5. Ветеринария кафедраси; 6. Зоотехния кафедраси; 7. Доривор ўсимликлар ва ботаника кафедраси.

Профессорлар:

1. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси (0,5); 2. Фитопотология ва агробиотехнология кафедраси (фитопотология 0,5); 3. Балиқчилик, паррандачилик ва асаларичилик кафедраси (0,5); 4. Манзарали боғдорчилик ва экология кафедраси; 5. Математика, физика ва кимё кафедраси (математика); 6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси (0,75).

Доцентлар:

1. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 2. Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва карантини кафедраси; 3. Фитопотология ва агробиотехнология кафедраси (қишлоқ хўжалиги биотехнологияси); 4. Ўсимликшунослик кафедраси (0,5); 5. Деҳқончилик маданияти ва мелиорация асослари кафедраси (0,75); 6. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; 7. Мевачилик ва узумчилик кафедраси (0,25); 8. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси; 9. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси кафедраси; 10. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси (0,5); 11. Балиқчилик, паррандачилик ва асаларичилик кафедраси; 12. Зоотехния кафедраси (0,75); 13. Доривор ўсимликлар ва ботаника кафедраси (доривор ўсимликлар); 14. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси; 15. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинги кафедраси (0,5); 16. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси (0,75); 17. Математика, физика ва кимё кафедраси (математика); 18. Жисмоний маданият ва спорт кафедраси (0,5);

Катта ўқитувчилар:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси кафедраси (0,25); 2. Манзарали боғдорчилик ва экология кафедраси (0,5); 3. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси (0,5); 4. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинги кафедраси (0.75); 5. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси; 6. Ахборот-коммуникацион технологиялар кафедраси. 7. Гуманитар фанлар кафедраси (0,5); 8. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси; 9. Математика, физика ва кимё кафедраси (физика 0,5);

Ассистентлар:

1. Ўсимликшунослик кафедраси; 2. Деҳқончилик маданияти ва мелиорация асослари кафедраси (0,75); 3. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 4. Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва карантини кафедраси (0,5); 5. Фитопотология ва агробиотехнология кафедраси (фитопотология 0,5); 6. Мевачилик ва узумчилик кафедраси (0,5); 7. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси (0,5); 8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси кафедраси (0,5); 9. Ветеринария кафедраси (0,5); 10. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси (0,5); 11. Балиқчилик, паррандачилик ва асаларичилик кафедраси; 12. Зоотехния кафедраси; 13. Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси; 14. Доривор ўсимликлар ва ботаника кафедраси (ботаника); 15. Доривор ўсимликлар ва ботаника кафедраси (доривор ўсимликлар 0,75); 16. Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси; 17. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва маркетинги кафедраси (0,5); 18. Ахборот-коммуникацион технологиялар кафедраси; 19. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси; 20. Гуманитар фанлар кафедраси (0,5); 21. Математика, физика ва кимё кафедраси (физика); 22. Математика, физика ва кимё кафедраси (кимё); 23. Ўзбек тили, педагогика ва психология кафедраси (педагогика ва психология 0,5).

Ўқитувчилар:

1. Хорижий тиллар кафедраси (инглиз тили); 2. Хорижий тиллар кафедраси (немис тили); 3. Жисмоний маданият ва спорт кафедраси.

Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: Ректор номига ариза, сўровнома, таржимаи ҳол ва мазкур кафедрада ишлаш учун тегишли олий маълумот ҳақидаги диплом ва қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов маърузалари (университет профессор-ўқитувчилари учун – очиқ, машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзлари эгаллаб турган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади: 100140, Тошкент-140, Тошкент давлат аграр университети, бош бино, 2-қават, Университет кенгаши. Телефон: (0-371) 260-48-65.

Диққат танлов!

«ЎЗБЕКБАЛИҚСАНОАТ» УЮШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорларига асосан Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов эълон қилади

(Мазкур танлов 2018 йилнинг 20 февралида ўтказилиши маълум қилинган эди. Айрим сабабларга кўра, танлов қолдирилганлиги эслатиб ўтилади)

Аризалар 2018 йил 6 март куни соат 18:00 га қадар қабул қилинади

Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов натижалари 2018 йил 7 март куни эълон қилинади.

Танловда иштирок этиш тартиби, шартлари ва керакли ҳужжатлар рўйхати:

Талабгорнинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили (почта манзили), телефон рақами кўрсатилган аризаси;

Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес режа;

Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес режанинг молиялаштириш манбаалари (талабгорнинг ўз маблағлари, тижорат банклари тамонидан ажратилган кредит маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар) билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

Балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техник воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуроллари, автотранспорт воситалари, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳаказо) мавжудлиги ҳақида маълумотлар;

Балиқ (турлари ва миқдори бўйича) чавоқлар билан тегишли сув ҳавза участкасини ҳар йили балиқлантиришни амалга ошириш бўйича таклифи.

Талабгорларнинг танлов таклифлари жойлашган конвертларни очиш 2018 йил 7 март куни соат 10:00да Комиссия мажлисида амалга оширилади. Талабгорлар ёки уларнинг вакиллари танлов таклифлари конвертларини очилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ижара шартномаси "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва танлов ғолиби билан камида 10 йил муддатга тузилади.

Туман номи	Сув ҳавзаси номи	Сув ҳавза майдони	Танлов ўтказиладиган даврдаги ўртача маҳсулдорлиги, кг/га.	2018 йилда балиқлантириш ҳажми, дона	2018 йилда балиқ овлаш ҳажми, тонна
Оҳангарон	"Оҳангарон" сув омбори.	552	10	27600	33,6
Ўрта Чирчиқ	"Тошкент"сув омбори	2073	10	103650	126,0
Бўстонлиқ	"Ҳожикент" сув омбори	250	10	12500	15,2
	"Газалкент" сув омбори	186	10	9300	11,3
Чиноз	"Яллама карьер кўли"	150	10	7500	9,1
	"Янгиобод" кўли	18	10	900	1,1
Паркент	"Хўжакўл" табиий кўли	17,4	10	870	1,1
Қибрай	"Мовий кўллар"	7,5	10	375	0,5
Бекобод	Табиий кўл	9,3	10	465	0,6
	Табиий кўл	2,4	10	120	0,1
	Табиий кўл	1,15	10	60	0,1
	Табиий кўл	45,9	10	2295	2,8
	Табиий кўл	3,7	10	185	0,2
	Қўшкўл	60,3	10	3015	3,7
	Шўркўл	245	10	12250	14,9
	Янгикўл	51,3	10	2565	3,1
	Табиий кўл	35,4	10	1770	2,2
	Табиий кўл	72,9	10	3645	4,4
Жами	**19 та**	**3781,25**	**10**	**189065**	**230**

Танлов қўйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси 90 уй.

Мурожаат учун телефон: (+99890) 315-35-27, (0-371) 290-00-82, Электрон почта: toshkentbaliqsanoat@mail.ru

Тошкент вилоятидаги табиий кўллар ҳамда сув омборларида танловни ўтказиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан, танловда иштирок этиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг ҳудудий филиалидан олишингиз мумкин.

Илова: Танлов ўтказиш комиссиясининг иш юритиш регламенти.

– "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси

– Мурожаат учун тел: (99) 897 77 02; (71) 2605069. Сайт: uzbekbaliqsanoat.uz

Танловда Ўзбекистон Республикаси резидент ва норезидентлари юридик шахс сифатида иштирок этиши мумкин.

*Танловда иштирок этиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир баробари миқдоридаги тўлов ундирилади.

Асосий ҳисобрақам: "Ипотека-банк" Тошкент вилояти филиали. МФО: 00408, х/р: 20208000900764793001.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

TOGLAR

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-II (Б) бульдозер
- Бульдезер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шикалар

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

"GLOBTRANS-BAT" МЧЖга тегишли транспорт воситаларига олинган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

№	Машина маркаси	Давлат рақами	Лицензия варақаси рақами	Лицензия тури	№	Машина маркаси	Давлат рақами	Лицензия варақаси рақами	Лицензия тури
1	VOLVO FH 12460	50398FAA	1120992	МПГ	15	DAF TE 95XF	50G348HA	0049553	МнПГ
2	KOGEL SVKT 24 P	015043AA	0027160	МнПГ	16	MAN TGS 19.400	50N105LA	0056015	МнПГ
3	VOLVO FH 12 420	01A427NA	1151396	МПГ	17	DAF FT 95 XF 380	50P837LA	0058678	МнПГ
4	KOGEL SVKT 24 P	015043AA	1151397	МПГ	18	MAN 18533 FLS	50B404EA	0058677	МнПГ
5	VOLVO FH 12 420	01A427NA	0027159	МнПГ	19	SCHMITZ CARGOB	504866AA	0058680	МнПГ
6	KOGEL SVKT24P10	015211AA	1207280	МПГ	20	DAF XF 430	50N691JA	0059823	МнПГ
7	ВОЛЬВО	01P988OA	0028863	МнПГ	21	MERCEDES BENZ	50Q609JA	0059826	МнПГ
8	VOLVO FH 2460	50 079JAA	0028861	МнПГ	22	WBL ESCHERSHAU	504661AA	0059827	МнПГ
9	KOGEL SVKT24P10	015211AA	0028864	МнПГ	23	MAN TGS 19.400	50N755LA	0063563	МнПГ
10	VOLVO FH 2460	50 079JAA	1207277	МПГ	24	DAF XF 95.530	50V637LA	0063562	МнПГ
11	ВОЛЬВО	01P988OA	1207279	МПГ	25	DAF XF 430	50N691JA	0064202	МнПГ
12	DAF FT 95.430	50O178HA	0038413	МнПГ	26	VOLVO FH12-4X2T	01691VDA	0064514	МнПГ
13	DAF TE 95XF	50G348HA	0043285	МнПГ	27	DAF 95 XF 430	50V420LA	0064746	МнПГ
14	ГБА СНГ MERCEDES	50H684KA	0048724	МнПГ	28	MAN TGA 463 FLT	50R483HA	0065885	МнПГ

"EURASIA TRANS LOGISTIC" МЧЖга тегишли транспорт воситаларига олинган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

№	Машина маркаси	Давлат рақами	Лицензия варақаси рақами	Лицензия тури	№	Машина маркаси	Давлат рақами	Лицензия варақаси рақами	Лицензия тури
1	SCHMITZ SKO 24	75 1655AA	0043805	МнПГ	8	KRONE SDP	502441AA	1754473	МПГ
2	MERCEDES BENZ	75G932CA	0043804	МнПГ	9	SCHMITZ SKO 24	750266AA	0053650	МнПГ
3	SCHMITZ SKO 24	75 1655AA	1569672	МПГ	10	VOLVO FH12-420	75T227BA	0053649	МнПГ
4	MERCEDES BENZ	75G932CA	1569671	МПГ	11	SCHMITZ SKO 24	750266AA	1802896	МПГ
5	DAF TE96NCA338	50Q360DA	0050779	МнПГ	12	VOLVO FH12-420	75T227BA	1802895	МПГ
6	KRONE SDP	502441AA	0050780	МнПГ	13	WIELTON NS 34 ST	751946AA	1838165	МПГ
7	DAF TE96NCA338	50Q360DA	1754472	МПГ	14	WIELTON NS 34 ST	751946AA	0054922	МнПГ

Тошкент вил. Зангиота т. "Ягона дарча" марказида рўйхатга олинган "HUSNIDDIN BUSINESS" МЧЖнинг (СТИР 305192178) устав фонди 603 000 000 сўмдан 20 000 000 сўмга камайтирилади. Даъволар 2 ой мобайнида 279-33-59 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "PERFECT PORCELAIN" МЧЖнинг устав фонди 200 000 000 сўмдан 100 000 000 сўмга камайтирилади.

"EXPRESS DEAL BROKERS" МЧЖ (СТИР 307711919) устав жамғармаси 2 683 656 494 сўм 16 тийиндан 2 157 193 994 сўм 14 тийинга камайтирилади.

Тошкент ш. Чилонзор т. "Ягона дарча" марказида (реестр № 537813, 15.08.2017 й.) рўйхатга олинган "BI PROF" ХК (СТИР 305022965) эгасининг 19.02.2018 йдаги 1-сонли қарорига кўра ихтиёрий тугатиш тартиби бошланишини маълум қилади. Даъвоплар (+99897) 789-68-78 тел. рақамида қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш. Чилонзор т. Гулистон 39, 9.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон	–	(+99893) 630-73-03;
Бухоро	–	(+99891) 401-29-59;
Жиззах	–	(+99893) 940-10-78;
Навоий	–	(+99891) 332-50-99;
Наманган	–	(+99893) 948-53-86;
Фарғона	–	(+99890) 407-76-03;
Самарқанд	–	(+99893) 994-57-08;
Сирдарё	–	(+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	–	(+99890) 644-44-11;
Тошкент	–	(+99890) 976-39-58;
Хоразм	–	(+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	–	(+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-213, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21677 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **23.15**

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 12 456